

**ИЛК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ
ЎЗИГА ХОС ПЕДАГОГИК ЖИХАТЛАРИ**

Turdali Mukhtaralievich Sultanov

Toishkent viloyati Chirchik Davlat pedagogika instituti

Nodira Nazarkulovna Eshmanova

Toishkent viloyati Chirchik Davlat pedagogika instituti

Аннотация: Ушбу мақолада илк мактаб ёшидаги ўқувчилар билан ишлашнинг ўзига хос педагогик жиҳатлари. Умумий ўрта таҳлим муассасалари ўқувчиларининг ёши ва психофизиологик хусусиятлари ҳақида қисқача маҳлумот берилган.

Калит сўзлар: шахс ривожи, эхтиёж, ақл, психофизиологик, онг, фаолият, тафаккур, касб-хунар, индивид, маданий контекст, ахлоқий фазилат, саводхонлик, ўқиш, фонетика, грамматика, чиройли ёзиш.

**SPECIFIC PEDAGOGICAL ASPECTS OF WORKING WITH
PRIMARY SCHOOL STUDENTS**

Turdali Mukhtaralievich Sultanov

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Nodira Nazarkulovna Eshmanova

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Abstract: This article discusses specific pedagogical aspects of working with first-grade students. A brief account of the age and psychophysiological characteristics of students in general secondary education is given.

Keywords: personality development, need, intellect, psychophysiological, consciousness, activity, thinking, profession, individual, cultural context, moral character, literacy, reading, phonetics, grammar, beautiful writing.

Бугунги глобаллашув жараенлари, фан –техника тараккиети инновацион жамиятга булган эхтиёж ёшлар учун қўплаб имкониятлар яратмоқда. Ёшлар олдига бугунги замон билан хам нафас бўлиб тезкор қарорлар қабул килиш иннивацион тафаккурни шакллантириш билим олиш касб-хунар танлаш жамият ва ўз келажаги учун онгли равишда фаолият юритишлари изланишлари лозим. Умумий ўрта таҳлим муассасалари ўқувчиларининг ёши ва психофизиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг онгига умуминсоний қадриятлар ва юксак манавиятни янада чуқур сингдириш, уларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш лозим.

Демак болани неча ёшдан бошлаб ўқитиш керак деган муаммо педагогика учун муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ота -онанинг кизиқишилари, орзу ниятлари асосида болани ўқишини уddyалайдиган даражага етказмасдан мактабга бериши унинг соғлигига зарар етказади, бола машғулот мазмунини тушуниб ўзлаштира олмай қийналади ва ниҳоят ўқишдан орқада қолади. Аксинча, ўқиши лозим бўлган пайтдан кеч мактабга берилса, боланинг соғлом фаоллик талаб этувчи руҳий кучлари номақбул томонга бурилади, у қийналиб ўқийди. Ота-она ва тарбиячилар болани ўқишига беришдан аввал унинг ақлий қобилиятини, диққатини, мустақил фикрлаш даражасини, сўзларни ифодалай олиш борасидаги фаоллиги сифатларини пухта ўрганиб, тегишли хулоса чиқаришлари тавсия этилади. Агар юқоридаги омиллар кучли ва ижобий бўлса, болани 6—7 ёшдан мактабга бериш маҳқул. Шунда болалар ўз ҳаётининг янги даврига қадам қўядилар. Энди боғчадаги ўйин фаолияти ўрнини тизимли мажбурий вақт билан боғлиқ ўқиш фаолияти эгаллайди. Албатта, бу даврдаги болалар учун ўйиндан мажбурий риоя этиладиган фаолиятга ўтиш қийин, буни ҳисобга олиш лозим. Ўзбекистон таолим тизимида шахсни ривожлантириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади ва у бошланъич таолимдан бошланади. Шу жиҳатдан шахс ривожида умумий

қонуниятлар деганда индивидни таҳлим ва тарбия воситасида ижтимоий шахсга айлантириш асослари тушунилади.

Бошланғич таҳлим даврида ёк ўқувчилар шахси умумий қонуниятлар асосида ривожлантирила бошлайди. Бу борадаги асосий қонуниятлар тизимини қўйидагилар ташкил қиласди:

- ақлни ривожлантириш;
- естетик ҳис-туйғуларни ривожлантириш;
- жисмоний ривожлантириш;
- турли стрессларга бардошликни ривожлантириш;
- ўз-ўзига ишончни ривожлантириш;
- мустақиллик кўнимасини ривожлантириш;
- шахсий фаолликни ривожлантириш;
- ўзгаларга ва атроф-муҳитга муносабатни ривожлантириш.

Мазкур қонуниятлар асосида таҳлим ва тарбия жараёнида ўқувчилар шахси изчил ривожлантириб борилади.

Бошланғич таҳлимнинг маданий контекстини кучайтириш жараёнида 7-11 ёшли ўқувчиларга халқнинг миллий ва оиласвий қадриятлари асосида билим бериш, уларнинг ахлоқий ва фаолият кўнимасини умуминсоний қадриятлар асосида шакллантиришнга асосий эотибор қаратилмоқда. Мисол учун, Ўзбекистонда халқ анханалари, инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, оиласпарварлик кабилар миллий қадриятлар, бағрикенглик, демократлик, биродарлик сингарилар умуминсоний қадриятлар ҳисобланади. Шу сабабли бошланғич таҳлимнинг маданий контекстини кучайтиришда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғуналигига асосланиш тақозо этилади. Айни пайтда, шахс ривожида ирсиятнинг аҳамияти деганда қўйидагилар назарда тутилади:

- a) ҳар бир бола шахсининг физиологик жиҳатдан ўзига хослиги;

б) ҳар бир бола шахсининг турлича ақлий ва ҳиссий имкониятларга эгалиги;

в) баҳзи бир болалар шахсида тұмса истеододнинг устуворлиги.

Шу тариқа үқувчи шахси ривожида ирсият омили физиологик ва социологик вазифаларини бажаради. Бунда педагогик жиҳатдан бола шахсини ривожлантиришда унинг физиологик, психологик ва специфик хусусиятларига әхтибор қаратылади.

•Үқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобға олиш. Бунда қуидагиларга эътибор қаратылади:

- үқувчининг неча ёшдалиги;
- үқувчи бўйининг ёшига мослиги;
- үқувчи вазнининг ёшига мослиги;

үқувчи жисмоний ривожланишининг ёшига мослиги.

Үқувчиларнинг ақлий ривожини ҳисобға олиш. Бунда қуидагиларга аҳамият берилади:

- үқувчининг билим даражаси;
- үқувчининг тушуниш даражаси;
- үқувчининг фикрлаш даражаси;
- үқувчининг қизиқиш даражаси.

Үқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ҳисобға олиш. Бунда қуидагиларга эътибор қаратылади:

- үқувчининг ахлоқий фазилатга эгалиги;
- үқувчининг ўзгаларга муносабати ривожланганлиги;
- үқувчининг ташаббускорлиги;
- үқувчининг фаоллиги.

Кичик ёшдаги болалар жисмоний жиҳатдан нисбатан текис ўсадилар, ўғил ва қиз болалар ташқи кўринишлари билан бирбирларидан деярли фарқ қилмайдилар. Бўйи ўртача 120 см, оғирлиги 25 кг атрофида бўлади.

Кўкрак қафаслари ва умуртқа поғоналари суюкларининг етарлича қотмаганлиги туфайли улар тез шикастланишлари мумкин. Суяк ва мускуллари тез ўсади. Бу даврдаги ўқувчиларнинг бош мияси оғирлиги жиҳатидан ~ катталарнига тенглашса ҳам, тузилиши жиҳатидан фарқланади. Ўпка, қон томирлари ўсишда давом этади. Нафас йўли ва диафрагма бўш ривожланган бўлади, шу туфайли кичик ёшдаги ўқувчилар ҳаракатсиз қолсалар нафас олишлари сустроқ бўлиб, тана аҳзоларининг кислород билан таҳминланиши ёмонлашади. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг юраги ўзидан катталарнига нисбатан икки марта кўп қон чиқаради. Юрак уриши минутига 90—92 марта тўғри келади. Жисмоний ўсишга хос бу хусусиятлар кичик ёшдаги ўқувчиларга нисбатан ўқитувчи—тарбиячидан эҳтиёткорликни талаб қиласди. Уларни асабийлашишдан сақлаш, кўпроқ ҳаракат қилишлари, очик ҳаводан фойдаланишлари ҳакида ғамхўрлик қилиш лозим. Стол, партада тўғри ўтиришларига, ручкани ўнг қўлда тутиш, дарс пайтларида қаттиқ ҳаракат қилмасликни назорат этмоқ даркор. Ўқиши меҳнатининг таъсири остида боланинг барча руҳий фаолияти ихтиёрий дикқат, ихтиёрий хотира (ёдда қолдириш, эсга тушириш), ихтиёрий идрок (маълум мақсад асосида воеа ва ҳодисаларни кузатиш), тафаккурни ихтиёрий идора этиш ва у билан 31 боғлиқ бўлган нутқ, ҳис-туйғу, ирода каби руҳий жараёнлар ривожланади. Бошланғич мактаб ўқувчилари ўқиши даврида буюмларнинг шакллари, яъни доира, учбурчак, тўғри бурчак, квадрат, кўпбурчакларни, ҳажмли фигуранлар — шар, куб, параллелепипед, цилиндр, призма, конусларнинг шаклларини аниқ билиб оладилар. Мактаб ёшига етган болалар кичик вакт муддатларини (кун, соат, ярим соат, чорак соат, дақиқаларни) аниқ тасаввур қиласдилар. Бу ёшдаги болалар узоқ вакт муддатларининг фаркини сезмайдилар. Боланинг хоҳишини 2 ҳафтадан кейин бажаришга ваъда берсангиз ҳам, 3 ойдан сўнг ёки ярим йилдан сўнг бажаришга ваъда берсангиз ҳам, у кўнаверади. Болаларни вақтнинг қадрига етишга, вақтни

аниқлаш ва уни бекор ўтказмасликка ўргатишни уларни дарсга кечикмай келишга ўргатишдан бошлаган маҳқул. Кейинчалик қундалик ички тартибга риоя қилиш, секин ва тез, оз вақт ва кўп вақтнинг нима эканлиги ўргатиб борилади ва ҳоказо. Болаларни яхши ўқишилари учун уларда кузатиш қобилиятини ўстириш, кузатувчанликни тарбиялаш даркор. Чунки кузатишлар буткул сезилмай келган ҳодисалар моҳиятини очиб беради. Кичик мактаб ёшидаги болалар эшитган ва ўқиганларини қўпинча ҳарфма-ҳарф, тўппа-тўғри маҳнода англайдилар. Шу сабабли болалар юқори синфларга чиқсан сари улардаги тасаввур ва тушунчаларнинг кенгайишига, фаҳм-фаросатнинг ўсишига қараб ақлий ишларнинг ҳаммаси тобора мураккаблаштириб, такомиллаштириб борган маҳқул. 6—7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг хотираси жуда кучли тараққий этган ва хотирага олиш, уқиб олиш қобилияти анча ўсган бўлади. Иккинчи томондан эса, мактаб фаолияти, ўқув иши улардан маҳлум мақсад билан олдиндан хотирга олиши, онгли ва фаол равишда айтиб беришни, асосли равишда ўрганишни талаб қиласди. Тажрибалардан маҳлумки, бу ёшдаги болаларнинг талаб ва қизиқишилари, одат ва сезгилари, тасаввур ва тушунчалари, хаёлий фаолиятлари, диққат-эҳтиборлари, тиришқоқликлари ва бошқа жиҳатлари борасида бир-бирларидан фарқ қиласди. Айримлари бирон-бир соҳада истехдодли, қобилиятли бўлсалар, бошқалари иккинчи бир соҳада истехдодлидирлар. Баҳзиларида истехдод кўпроқ, баҳзиларида камроқ бўлади. Шу билан бирга, улар орасида турли кўринишдаги камчиликли, жумладан, дудук, кўзи яхши кўрмайдиган, қулоғи яхши эшитмайдиган, овози хаста, хотираси паст ва ҳоказо нуқсонли болалар ҳам учрайди. Ўқитувчи — тарбиячиларнинг вазифаси— болалардаги ҳамма ижобий майл ва интилишларни ўз вақтида англаш, уларни камол топтириш, салбий сифатларини йўқотиш, истеъдод ва қобилиятларини тобора ривожлантириш, камчилик ва нуқсонларни тиббиёт ходимлари ёрдамида йўқотиш, умуман, таҳлим-тарбия ишига

тўсқинлик қиласиган томонларини йуқотишдан иборатdir. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари амалга оширилаётган ҳозирги шароитда бошланғич таълим болаларни ҳар томонлама камол топтиришнинг асосини вужудга келтиради, уларда тез тушуниб, ифодали ўқиш, ҳисоблаш, ёзиш, равон сўзлаш ва маданий хулқ малакаларининг мустаҳкам шаклланишини таъминлайди. Бошланғич мактаб ўқишга ва ижтимоий-фойдали меҳнатга ҳалол муносабатни, Ватанга муҳаббатни тарбиялайди. Бошланғич синфларда ана шу вазиф аларни бажаришнинг йўлларидан бири ўқитишнинг таҳлимиy, тарбиявий ва камол топтириш функцияларини амалга оширишдан иборатdir. Бошланғич мактабнинг ўқув дастурларида ўқитувчи ишининг ана шу йўналишлари ҳақида ран боради. Давлат дастурини бажариш — ҳар бир ўқув предметининг, таҳлимиy, тарбиявий ва камол топтириш имкониятларини рўёбга чиқаришдир. Она тили дастурида саводхонлик, ўқиш, фонетика, грамматика ва чиройли ёзишни ўргатиш орқали болаларнинг нутқини ўстириш, инсон, табиат, ва жамият тўғрисидаги тасаввурини бойитиш, уларда гоявий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик тушунчаларни шакллантириш, мантиқий ва муайян образли фикрлашни ривожлантириш, ўқув машғулотлари ва китобга қизиқиш уйғотиш вазифалари қўйилади. Математиканинг таҳлимиy имкониятлари ўкувчиларни тарбиялаш билан узвий боғлиқдир. Математика билан шуғулланиш болаларда илмий дунёкарашнинг асосларини таркиб топтиради, билиш қобилиятларини ривожлантиради, ўқишга ва меҳнатга ҳалол муносабатни, Ватанга муҳаббат туйгуларини тарбиялайди. Табиатшунослик курсининг мазмуни кичик мактаб ёшидаги ўкувчиларда жонсиз ва жонли табиат, меҳнат аҳли тўғрисида, табиатнинг йил фаслларида ўзгаришлар, ундаги нарсалар ва ходисаларнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисида жузҳий билимларни ҳосил қиласиди, уларни жонсиз ва жонли табиатини мунтазам равиша кузатишга ўргатади. Шахсий ва

ижтимоий гигиеник малакалар билан таништиради. Табиатшунослик болаларда табиатга мухаббат уйғотади ва уни муҳофаза қилишга интилишни вужудга келтиради, мантиқий фикрлаш ва нутқини ривожлантиради, кўникма ва малакаларни, меҳнах қилиш истагини, интизомлиликни, қатҳиятлиликни ва ўзаро ёрдам каби фазилатларни шакллантиради, ватанпарварлик тарбиясида ёрдам беради. Бошланғич синфлардаги «Меҳнат таҳлимни» ўқув предмети ўқувчиларга таҳлим ва тарбия бериш, уларни камол топтириш тизимининг таркибий кисми ҳисобланади. Меҳнат таҳлими дастури техник, майший хўжалик меҳнатини ва турли материалларга бадиий ишлов бериш асосларини уз ичига олади. Мана шу ўқув предмети меҳнат маданияти асосларини, ижтимоий-фойдали меҳнат бўйича дастлабки кўникма ва малакаларни шакллантиради, меҳнат севарликни, меҳнатга тўғри муносабатни, тежамкорликни, табиатга ва ижтимоий мулкка эҳтиёткорона ёндошиш туйғуларини тарбиялайди, ғоявий-сиёсий, эстетик, жисмоний тарбияни амалга оширишда ёрдам беради, ижрочилик фаолиятига тайёргарлик билан бирга ижодкорлик қобилиятларини такомиллаштиради. Жисмоний тарбия дарсларида ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтиришнинг ўзаро боғлиқ масалалари қуидагилардан иборат: — ўсаётган организмнинг уйғун ривожланишига, соғлигини мустаҳкамлашга, чиниқишига ёрдам бериш; — ахлоқий ва иродавий фазилатларини, хулқ маданиятини тарбиялаш; — ўқувчиларни жисмоний маданият бўйича зарур билимлар билан қуроллантириш, уларда энг муҳим ҳаракат кўникмалари ва малакаларини ҳамда физкультура комплекси нормаларини топширишга тайёргарликни таркиб топтириш; — ўқувчиларда асосий жисмоний сифатларни ривожлантириш, кундалик ўйинларга, жисмоний машқларга, спортга барқарор қизиқиши ҳосил килиш, ўзини жисмоний баркамол этишга эҳтиёжни тарбиялаш. Ўқитиш жараёнида таҳлимий, тарбиявий ва камол топтириш функцияларини ажратиш билимларини ўзлаштириш ҳамда зарур

шахсий сифатларни ш акллантириш учун яхши ш ароитларни вужудга келтиради. Дарсда билимларни ўзлаштириш жараёнида қарашлар ва маҳнавий сифатлар хам шаклланади, албатта, яхни мазкур функцияларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги кузатилади. Масалан, агар бола дастур материалини ўзлаштирса, мустақил фикрлаши етарли даражада ривожланмаганидан қатҳи назар, унга юқори баҳо қўямиз. Ва аксинча, мустақил ҳолда ва ишонч билан мушоҳада юрита оладиган ўқувчи дастур материалини етарлича ўзлаштирган бўлса, ижобий баҳо ололмайди. Ўқитувчининг ўқитиш функциялари ўзаро боғлиқлигини чуқур тушуниш унга дарснинг таҳлимий, тарбиявий ва камол топтириш вазифаларини ижодий йўсинда қўйиш ва ҳал қилиш имконини беради

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.Мирзиёев. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2016.
2. Ш.Мирзиёев. “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ххалқимиз билан бирга қурамиз”. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2016.
3. Ш.Мирзиёев. “Танқиди таҳлил, тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2017.
4. Жумаев М.Е. Болаларда математика тушунчаларни шакллантириш назарияси.-Т.: “Илм-Зиё”, 2005
5. Тошкент Молия институти “Касбий педагогика” ўқув-услубий мажмуя 451б
6. Бошлангич таълим журнали 11-сон, 2017-йил.